

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 27 март • №12 (1293)

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда мутасадди давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сон фармойиши билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) қарорларига мувофиқ:

дунёнинг барча давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида мунтазам авиакатновлар тўхтатилганлиги;

хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, (республикада доимий истикомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно), шунингдек, йўловчи ташувчи транспорт воситаларини (автобус, енгил

автотранспорт ва темир йўл транспорти воситалари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб келиши тўхтатилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган шахсларни 14 кун давомида махсус ажратилган тиббиёт муассасаси ёки карантин тадбирларини ташкил этишга мослаштирилган базалар ёхуд ўш шaroитида карантинга олиш талаби белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча кўнгилчор объектлар, шу жумладан, тунги клублар, дискотека, ресторан, кафе, ошхона, чойхона, спа ва массаж салонлар, караоке, бильярд заллари, чилим (кальян) марказлари ва компьютер ўйинлари хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик фаолияти тўхтатилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча турдаги оммавий тадбирлар, шу жумладан байрам тадбирлари, халқаро тадбирлар ва спорт муسابакалари, шунингдек, театр, кино ва концерт дастурлари ҳамда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши (дафн маросимлари 10-15 кишидан кўп бўлмаган ҳоллар бундан мустасно) тўхтатилганлиги;

давлат олий таълим муассасаларида, умумий ўрта

махсус, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларида ҳамда барча нодавлат таълим ташкилотларида таълим жараёнилари тўхтатилганлиги ва коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган бошқа бир қатор чоралар кўрилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига 2020 йил 24 март соат 00.01 дан бошлаб қўйидагиларни назарда тутувчи коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартиб (кейинги ўринларда – Тартиб) жорий этилсин:

коронавирус инфекцияси асосан Тошкент шаҳри ҳудудига аниқланганлигини инобатга олиб ва ушбу инфекция республиканинг бошқа ҳудудларига тарқалишининг олдини олиш мақсадида бошқа ҳудудлардан Тошкент шаҳрига кириш (автобус, микроавтобус, енгил автотранспорт, авиакатновлар ва темир йўл транспорти воситалари орқали) тўхтатилади, бундан ушбу банднинг учинчи хатбошисига назарда тутилган ҳоллар мустасно;

Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган шахслар, шунингдек, Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтган ҳолда Тошкент шаҳрида меҳнат (хиз-

мат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органлари ва муассасалари (нодавлат ташкилотларида – иш берувчи томонидан тақдим этилган тегишли рухсатнома асосида) ходимлари ҳамда юк ташиш билан боғлиқ ҳолларда Тошкент шаҳрига кириш ва чиқишга рухсат берилади;

Тошкент шаҳрига кирувчи ва чикувчи шахсларда коронавирус инфекцияси аломатларини аниқлаш бўйича мажбурий тиббий назорат ўрнатилди;

биринчи босқичда Тошкент шаҳрида, кейинчалик босқичма-босқич Нукус шаҳри, вилоят ва туман марказларида жойлашган барча йирик деҳқон бозорлари ва савдо мажмуалари (супермаркет, гипермаркет ва бошқалар) кириш-чиқиш жойларини тегишли мутахассислар билан таъминлаган ҳолда тепловизорлар ва антисептик воситалар билан жиҳозланади;

республика ҳудудига хорижий давлатлардан, шунингдек, Тошкент шаҳрига бошқа ҳудудлардан кириб келаётган барча транспорт воситалари, товар ва юкларнинг мажбурий равишда дезинфекция қилиниши таъминланади;

давлат идоралари ва ташкилотларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакилларини

қабул қилиш ҳамда уларга давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш имкон қадар “онлайн” режимга ўтказилади;

фуқаролар томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва телефон алоқаси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли икки ой давомида ўчирилишига йўл қўйилмайди;

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларнинг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимлари меҳнат таътилига чиқариш, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада масофадан туриб (“онлайн” режимда ёки масофавий тарзда) ташкил этиш чоралари кўрилади.

Ушбу банднинг бешинчи хатбошисига назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Миллий гвардия ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги

(Давоми 2-бетда).

## СИЗ ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИСИЗ!!!

Бутун дунёни ташвишга солаётган коронавирус инфекцияси барча давлатлар қатори юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Айни пайтда ушбу инфекцияга қарши мамлакатимизда фавқултда ҳолат эълон қилиниб, бу борада Ҳукуматимизнинг меъёрий ҳужжатлари қабул қилиниб, унинг ижроси тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Айниқса, вазирликлар, ташкилотлар ва тегишли идоралар томонидан дақиқа сайин оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига расмий баёнотлар бериб борилмоқда.

Расмий баёнотларга кўра, мамлакатимизда вирусга чалинганлар 2020 йил 26 март ҳолатига кўра 65 нафарни ташкил этмоқда. Тақдим этилаётган хабарларда инфекциянинг олдини олиш, касалликка чалинганларни карантинда сақлаш қоидалари, талаблари ҳақида маълумот бериб борилмоқда. Шунингдек, кун кеча Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори иж-



роси ҳам тўлиқ таъминланмоқда. Ушбу синови кунларда жасорат ва фидойилик билан бор билим, тажриба ва касбий маҳоратларини баҳишда этаётган тиббиёт ходимлари меҳнатини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Айниқса, Республика вирусология илмий-текшириш институти, қолаверса айрим вилоятлардаги юқумли касалликлар шифохоналарида, шунингдек кўпгина сийхатгоҳларга хориждан келтирилган фуқароларимизнинг саломатлиги учун туну кун қайғураётган кўп сонли шифокору ҳамширалар, лаборант ва кичик тиббиёт ходимлари меҳнатини чин маънода қаҳрамонликнинг яққол ифодасидир, десак муболага бўлмайди. Шу ўринда халқимиз саломатлиги учун бир тану бир жон бўлиб, ҳамкорликда фаолият олиб бораётган юртимиз ахлига сабр-тоқат, куч-қувват ва қонун-қоидаларга интизомли муносабатда бўлишларини истаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА.

СУРАТЛАРДА: юртимиз шифокорлари.





Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА  
ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

билан биргаликда ушбу банднинг учинчи хатбошида белгиланган талабларга сўзсиз рию этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин;

Тартибнинг амал қилиш даврида, заруратга кўра, қўшимча йўл-патруль хизмати стационар постлари ва блок постлар ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Тартибнинг амал қилиш даврида қуйдагилар ўрнатилсин:

а) коронавирус инфекцияси аниқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий фуқаролар, шу жумладан 2020 йил январь-март ойларида коронавирус инфекцияси қайд этилган ҳудудларда бўлиб, Ўзбекистон ҳудудига кириб келган шахслар;

Комиссия қарорлариغا, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва эпидемияга қарши курашишга жалб этилган бошқа давлат ташкилотларининг қонуний талабларига рию этишга;

Ўзбекистонга қайтиб келганлиги, коронавирус инфекцияси қайд этилган ҳудудларда бўлган вақти ва жойи тўғрисида зудлик билан соғлиқни сақлаш органларига маълумот беришга;

Ўзида касаллик аломатлари вужудга келганда касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва ҳаракатлини йўналишлари ҳақида зудлик билан соғлиқни сақлаш органларига маълумот беришга;

14 кун давомда уйда ёки махсус белгиланган жойда изоляция шароитида бўлишга;

санитария ва эпидемияга қарши курашиш қондалари ва изоляция режимида бўлишга оид талабларга қатъий рию этиш, шу жумладан тиббий ҳимоя воситаларини қўллаш ва жамиятда бир-бирлари орасида масофани сақлашга;

соғлиқни сақлаш органлари томонидан тайинланган тиббий текширув ва даволанишдан ўтишга мажбурдирлар;

б) давлат санитария нazorати органлари томонидан изоляция қилиниши лозимлиги ҳақида талаб қўйилган шахслар билан бирга яшовчи шахслар ҳам 14 кун давомда ёки давлат санитария нazorати органлари томонидан белгиланган муддат давомда уйда ёки махсус белгиланган жойда изоляция шароитида бўлишга мажбурдирлар;

в) коронавирус инфекциясини юқирган ёки ушбу инфекцияни юқирганликда гумон қилиниб карантинга гуллаштирилган шахсларга тегишли бўлган мобил телефон, аудио ва видео воситалар, банк карталари ҳамда бошқа ахборот ташувчи буюмлар вақтинча

олиб қўйилади;

г) идоровий бўйсунуви ва ташкилий ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар раҳбарлари (иш берувчилар) қуйдагиларга рию этишлари шарт:

ташриф буюрувчи шахсларни фақат тиббий ниқоб ва тиббий воситаларни қўлланган ҳолда киритиш тартибини мажбурий жорий этиш; иш жойларида ходимларнинг тана ҳароратини ўлчаш ва тана ҳарорати юқори бўлган ходимларни иш жойида бўлишга йўл қўймаслик ҳамда ушбу ходимлар тўғрисида соғлиқни сақлаш органларига зудлик билан хабар етказиш; давлат санитария нazorати органларининг талабномасига мувофиқ коронавирус инфекциясини юқирган ходим билан мулоқотда бўлганлар ҳақида дарҳол маълумот бериш, касалланган шахс бўлган жойларни дезинфекциядан ўтказиш чораларини кўриш;

ходимларга изоляция режимида бўлишга оид талабларга рию этишда кўмаклашиш;

д) савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий бўлиналари ёки бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш йўли билан дезинфекция воситалари билан таъминланади;

е) Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган деҳқон бозорларидан ташқари барча бозорларнинг фаолияти тўхтатилади.

4. Белгилансинки: Комиссия мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилиши билан боғлиқ барча масалаларни мувофиқлаштириши ва зарур ҳолларда қўшимча кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар ижросини таъминлайди.

5. Коронавирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда республикада коронавирус инфекциясининг тарқалиш даражасини тахлил қилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган шартнома асосида нодавлат

тиббиёт ташкилотларида ушбу инфекция билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича тақлифларни;

бир ой муддатда карантин гуруҳига мансуб бўлган ўта хавfli ва юқумли касалликлар инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) ўтказиладиган профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда бир кун муддатда тўловларни амалга оширишни масофавий шакллари кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда хорижий мамлакатларда коронавирус инфекциясига қарши қабул қилинган қонун ҳужжатлари, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, шу жумладан тиббиёт соҳасидаги янги ёндашув ҳамда ихтиролар тўғрисида ҳар кунлик маълумотни Комиссияга тақдим этиб борсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигига қарашли санаторий ва бошқа соғломлаштириш масканларида ҳамда давлат тасарруфидаги дам олиш ва соғломлаштириш масканлари, меҳмонхоналари негизида Қорақалпоғистон Республикасида 4 та, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 3 тадан 14 кунлик карантин тадбирлари учун мослаштирилган базалар ташкил этилиши чораларини кўрсин;

карантинда сақланаётган шахсларни бир-бирдан ажратган ҳолда улар ўртасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг максимал олдини олиш имконини берувчи махсус карантин объекти қурилишини қисқа муддатларда таъминласин.

10. Комиссияга жорий этилган Тартибнинг амал қилиш даврида қуйдаги қўшимча вазифалар юклансин:

коронавирус инфекцияси ахоли ўртасида тарқалишини олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларининг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

биринчи навбатдаги дори воситалари, ниқоб ва тиббий буюмларнинг (дезинфекция воситалари ва бошқалар) аҳолига қатъий белгиланган нархларда узлуқсиз етказиб берилиши назорат қилиш;

республикада коронавирус инфекцияси тарқалиши билан

боғлиқ вазиятни мунтазам тахлил қилиш ва вазият барқарорлашганда сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тартибнинг амал қилишини тугатиш юзасидан тақлиф киритиш.

11. Комиссияга унинг зиммасига юклатилган қўшимча вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

идоровий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган ишларни текшириш ҳамда назоратни олиб бориш;

алоҳида аҳоли пунктлари ва ҳудудларда карантин тадбирлари ҳамда карантин жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

идоровий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлардан ҳужжатлар талаб қилиш ҳамда уларнинг раҳбарларини коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар бажарилиши тўғрисидаги ахборотларини Комиссия мажлисларида эшитиш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар мансабдори шахсларининг айби (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) билан коронавирус инфекцияси авж олишига йўл қўйилганда, уларни эгаллаб турган лавозимдан озод этиш тўғрисида юқори турувчи ташкилотларга, шунингдек, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўриб чиқиши учун киритиш.

12. Белгилансинки, Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари идоровий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар ва уларнинг мансабдори шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Тартибнинг амал қилиш даврида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, истисно тариқасида, божхона чегараси орқали ўтказиладиган зарур дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган материаллар ва субстанциялар учун "яшил" йўлларни ташкил қилади ва ушбу товарларга нисбатан божхона божлари ундирилмайди;

дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун

ишлатиладиган материаллар ва субстанциялар учун, истисно тариқасида, тендерлар ёки танлов савдолари ўтказмасдан энг яхши тақлифларни танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рўхсат берилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Тартибнинг амал қилиш даврида аҳолининг реал дарамодларини барқарорлигини таъминлаш мақсадида ишчиларга ойлик иш ҳақлари узлуқсиз ва ўз вақтида тўланишини таъминлаб борсин ҳамда республикадаги бандлик даражасини тушириб кетмаслик бўйича аниқ ва манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан биргаликда коронавирус инфекциясини юқирган ёки ушбу инфекцияни юқирганликда гумон қилиниб уй шароитида карантинга жойлаштирилган шахслар томонидан карантин қондаларига рию қилиниши устидан қатъий ва тизимли назорат ўрнатсин ҳамда карантин ўташ даврида ушбу шахсларни биринчи навбатдаги озик-овқат маҳсулотлари, дори воситалари, ниқоб ва тиббий буюмлар (дезинфекция воситалари ва бошқалар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия Тартибнинг амал қилиш даврида жамоат тартибини сақлаш чораларини кучайтирсин.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет жазон ахборот тармоғида кенг тушунтирилишини;

масъул вазирлик ва идораларни жалб қилган ҳолда коронавирус тарқалиши билан боғлиқ вазият ҳамда жорий этилган Тартиб тўғрисида тўлиқ ва ҳолисона маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб берилишини таъминласин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиши ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазир

Тошкент ш.,  
2020 йил 23 март

А. АРИПОВ



## Коронавирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора- тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

**1-боб. Умумий қоидалар**  
1. Мазкур Низом коронавирус инфекцияси аниқланганда ёхуд гумон қилинганда давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан профилактик ҳамда эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**карантин** - маълум ҳудудни коронавирус инфекцияси тарқатувчи манбадан муҳофазат қилиш ва уни йўқотишга ҳамда коронавирус инфекциясининг бир жойдан бошқа ҳудудларга тарқалишига йўл қўймай қаратилган маъмурий ва санитария-эпидемиологик тадбирлар мажмуи;

**обсерватор** - карантин зонада бемор билан мулоқотда бўлмаган соғлом кишиларни сақлаш учун мослаштирилган биноларда (мактаб, меҳмонхона, маъмурий бинолар, сихатгоҳлар, болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳлари ва бошқаларда) ташкил этиладиган махсус ажратиладиган жой;

**госпитал** - коронавирус инфекциясини юқтирилган кишиларни даволаш учун юқумли касалликлар шифохонаси ёки бошқа тиббий муассасаси базасида ташкил этилган даволаш муассасаси;

**провизор госпитал** - коронавирус инфекциясига гумон қилинган шахсларни сақлаш ва даволаш учун юқумли касалликлар шифохонаси ёки бошқа тиббий муассасаси базасида ташкил этилган даволаш муассасаси;

**изоляция** - эпидемияга қарши режимни таъминлаш учун коронавирус инфекцияси аниқланган бемор билан мулоқотда бўлган шахслар жойлаштириладиган юқумли касалликлар шифохонаси ёки бошқа алоҳида ажратилган биноларнинг махсус жиҳозланган хонаси;

**санитария-карантин пунктлари** - Давлат чегараларини куруқликда (автомобиль ва темир йўллари), ҳаво ва сув йўллари орқали кесиб ўтиш жойларидаги чегара-божхона мажмуаларида ташкил этиладиган ихтисослашган профилактик муассаса.

**2-боб. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган беморлар аниқланганда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳаракатланиш тартиби**

**1-§. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган беморлар аниқланганда ҳаракатланишнинг умумий қоидалар**

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари

(Давоми. Боши  
1-2-бетларда).

ҳамда барча тиббий муассасалари коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор аниқланганда зарур тиббий-санитария чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

4. Ҳар бир туман (шаҳар) тиббий ёрдам бўлимида коронавирус инфекцияси аниқланганда тезкор режа асосида ҳаракатга келтириладиган маслаҳат, эвакуация ва дезинфекция гуруҳлари ташкил этилади.

5. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор аниқланганлиги тўғрисида хабар келганда, туман (шаҳар) тиббий ёрдам бўлими раҳбари томонидан беморни кўриқдан ўтказиш учун маслаҳат-эвакуация ва дезинфекция гуруҳлари юборилади.

6. Беморни олиб кетиш учун ҳайдовчи жойи салондан ажратилган ва зич ёпиладиган, махсус (тез тиббий ёрдам) автотранспорт воситаси ажратилади, гуруҳ аъзолари тегишли шахсий химоя воситаларини кийган ҳолда бўлишлари шарт.

Инфекционист врач беморга бирламчи ташхис қўйиш ва аҳолини баҳолаш учун тиббий кўриқдан ўтказилади.

Эпидемиолог врач бемор билан мулоқотда бўлганларни ва унинг ҳаракатини йўналишини аниқлаш мақсадида эпидемиологик суриштирув ўтказилади.

Дезинфекция гуруҳи инфекция ўчоғида яқиний дезинфекция тадбирларини ўтказилади. Беморни олиб келган автотранспорт воситаси махсус майдончада дезинфекция қилинади.

7. Беморда коронавирус инфекциясига гумон ташхиси касалликнинг клиник белгилари (тана ҳароратининг меъридан юқорилиги, қуруқ йўтал, ҳолсизлиги, нафас сиқилиши) ва эпидемиологик суриштирув натижаларига асосланиб қўйилади.

8. Эпидемиологик суриштирув жараёнида коронавирус инфекцияси бўйича эпидемик ноҳус бўлган давлатда ёки ҳудудда бўлганлиги, шунингдек, яшаш ёки иш жойида, сафар давомида юқори нафас йўллари инфекцияси билан оғриган ёки ушбу касалликдан вафот этган бемор билан мулоқотда бўлганлиги аниқланади.

**2-§. Санитария-карантин пунктларининг фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларда коронавирусга гумон қилинган бемор аниқланганда ҳаракатланиш тартиби**

9. Чегара божхона постларида ўтаётган йўловчилар дастлаб санитария-карантин пунктларидан навбатчи ходимлар томонидан тиббий-санитария кўригидан ўтказилгандан сўнг чегара ва божхона хизматлари назоратидан ўтказилади. Бу жараёнда коронавирус инфекциясининг белгиларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади.

10. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган шахс аниқланганда бу ҳақда зудлик билан Давлат чегараси орқали ўтказиш пункти маъмуриятига, ҳудудий тиббий ёрдам бўлими ва санитария-эпидемиологик осойишталик марказига хабар етказилади.

11. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган шахс изоляция қилинади ва зарур ҳолларда унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади. Бунда маслаҳат гуруҳи етиб келгунга қадар Давлат чегараси орқали ўтказиш пункти маъмурияти томонидан ушбу пункт фаолияти вақтинчалик тўхтатилади.

12. Санитария-карантин пунктлари ходимлари шахсий химоя воситаларидан фойдаланган ҳолда эпидемиологик суриштирув ишларини ўтказиб, мазкур шахс билан мулоқотда бўлганлар (йўловчи билан бирга келган ва яқин мулоқотда бўлганлар, чегарачилар, тиббий ёрдам бўлими раҳбари ва бошқалар)нинг рўйхатини тузадиган ҳамда бошқа зарур маълумотларни (касаликнинг бошланиш вақти, унинг яшрин даврида қаерда бўлганлиги, ҳудуддаги эпидемик вазият, касаллик белгиларининг динамикаси) аниқлайди.

Санитария-карантин пунктлари ходимларининг кейинги ҳаракатлари маслаҳат гуруҳи кўрсатмалари асосида олиб борилади.

13. Маслаҳат гуруҳи эпидемиологик суриштирув натижаларига қараб, коронавирус инфекциясига гумон қилинган беморни провизор госпитал (госпитал)га жойлаштириш учун эвакуация гуруҳини, шунингдек, санитария-карантин пунктларида дезинфекция ишларини олиб бориш учун дезинфекция гуруҳини чакиртиради.

14. Чегарадан кириб келишда тиббий-санитария тартиб-таомиллари Халқаро тиббий-санитария қоидаларига биноан белгиланади.

15. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор санитария-карантин пунктларида аниқланганда:

бемор коронавирус инфекциясига гумон қилинганда, дарҳол санитария-карантин пункти изоляторига жойлаштирилади ҳамда бу тўғрисида ушбу Низомга иловада белгиланган тартибда туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик маркази раҳбарига хабар берилади;

санитария-карантин пунктларининг тиббий ходими шахсий химоя воситаларини (комбинезон, этик, тиббий никоб, кўзойнак ва кўлқоп) кийган ҳолда тегишли тадбирларни давом эттиради;

туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик маркази раҳбари инфекция ўчоғига шахсий химоя воситалари ва техника билан таъминланган эвакуация (инфекционист, эпидемиолог, шошилинч тиббий ёрдам хизмати ва ёрдам тиббий ёрдам бўлими) ҳамда дезинфекция (дезинфекция шифокори ва дезинфектор) гуруҳларини юбориши;

эпидемиолог врач эпидемиологик суриштирув ишларини олиб боради ҳамда бемор билан мулоқотда бўлганларни аниқлайди;

дезинфекция гуруҳи инфекция ўчоғида яқиний дезинфекция тадбирларини ўтказиши; эвакуация гуруҳи беморни

бокс палаталари бўлган махсус ажратилган юқумли касалликлар шифохонасига олиб боради;

тиббий муассасаси ходимлари бемордан лаборатория текшируви ўтказиш учун намуналар олади ва вирусология лабораториясига юбориши.

**3-§. Коронавирусга гумон қилинган бемор уйда ва тиббий муассасида аниқланганда ҳаракатланиш тартиби**

16. Коронавирусга гумон қилинган бемор уйда аниқланганда:

тиббий ходими беморни уйда тиббий кўриқдан ўтказиб, коронавирус инфекциясига гумон қилган ҳолларда, ушбу Низомга иловада белгиланган тартибда дарҳол ўзи ишлаётган тиббий муассасаси раҳбарига, раҳбар эса, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ҳамда туман (шаҳар) тиббий ёрдам бўлими раҳбарига;

туман (шаҳар) тиббий ёрдам бўлими раҳбари инфекция ўчоғига комбинезон, этик, тиббий никоб, кўзойнак ва кўлқопдан иборат шахсий химоя воситалари билан таъминланган тиббий ёрдам бўлими гуруҳини ва тез тиббий ёрдам машинасини юбориши;

санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош врач беморнинг уйига туман эпидемиолог ва врач ва дезинфекция гуруҳини юбориши;

эпидемиолог врач эпидемиологик суриштирув ишларини олиб боради ҳамда бемор билан мулоқотда бўлганларни ва беморнинг ҳаракатланиш йўналишини аниқлайди;

дезинфекция гуруҳи инфекция ўчоғида яқиний дезинфекция тадбирларини ўтказиши; бемордан лаборатория текшируви ўтказиш учун намуналар тиббий муассасалари томонидан олиниб, вирусология лабораториясига юбориши.

17. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор тиббий муассасасида аниқланганда:

тиббий муассасасига мурожаат қилган барча беморлар муассасасига кириш эшиги олдида ёки қабул бўлимида филтрдан ўтказилади, тана ҳарорати юқори, нафас сиқилиши ҳамда йўталга шикоят аниқланганлар изоляторга жойлаштирилади;

коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор аниқланганда, шифокор бошқа беморларни қабул қилишни тўхтатади ва ушбу Низомга иловада белгиланган тартибда зудлик билан бемор ҳақида тиббий муассасаси раҳбарига, у эса, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик марказига хабар беради ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги шошилинч хабарнома юбориши;

туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош врач беморнинг уйига туман эпидемиолог ва врач ва дезинфекция гуруҳини юбориши;

беморни қабул қилаётган ши-

фокор шахсий химоя воситаларини кийиб, эвакуация ва дезинфекция гуруҳлари келгунга қадар даволаш профилактика муассасасида қолади;

дезинфекция гуруҳи ёки тиббий муассасаси ўзининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда инфекция ўчоғида жорий дезинфекция тадбирларини ўтказиши;

дезинфекция гуруҳи беморнинг уйда яқиний дезинфекция тадбирларини ўтказиши;

беморга аниқ бирламчи ташхис қўйиш мақсадида инфекциясининг врач уни кўриқдан ўтказиши ва суриштирув ишларини олиб боради, бемор кўриқдан ўтказилганидан кейин, эвакуация гуруҳи уни бокс палаталари бўлган махсус ажратилган юқумли касалликлар шифохонасига олиб кетади;

бемор билан мулоқотда бўлган тиббий ходимлари ва беморнинг оила аъзолари бемор алоҳидланган кундан бошлаб, 14 кун давомида карантинга олиниши, агар улар орасида коронавирус инфекциясининг белгилари пайдо бўлса, улар госпиталга ётқизилади;

беморни олиб келган автотранспорт воситаси юқумли касалликлар шифохонасининг махсус майдончасида дезинфекция қилинади;

бемордан лаборатория текшируви ўтказиш учун намуналар олиниб, вирусология лабораториясига юборилади.

**3-боб. Коронавирус инфекциясига гумон қилинган шахслар учун карантин белгилаш тартиби**

18. Коронавирус инфекциясини юқтириш хавфи даражасига қараб, коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан яқин мулоқотда ва мулоқотда бўлган шахсларга бўлинади.

19. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан яқин мулоқотда бўлган шахслар доирасига қуйидагилар қиради:

коронавирус инфекцияси аниқланган шахс билан битта хонадонда яшаган шахслар;

коронавирус инфекцияси аниқланган шахс билан бевосита жисмоний мулоқотда (қўл сиқилиш, кучоқлаш) бўлган шахс;

коронавирус инфекцияси аниқланган шахс билан мулоқотда (масалан, йўталётганда) химояланмаган шахслар;

коронавирус инфекцияси аниқланган шахс билан 2 метрдан кам масофада асосан 15 дақиқадан кўпроқ вақт давомида юзма-юз бўлган шахслар;

15 дақиқа ёки ундан кўпроқ вақт 2 метрдан кам масофада коронавирус инфекцияси аниқланган шахс билан бирга ёпиқ жойда (синф хонасида, йиғилиш хонасида, касалхона кутуб хонасида ва бошқалар) бўлган шахслар;

тиббий мутахассис ёки коронавирус инфекцияси аниқ-

(Давоми 4-бетда).



**Коронавирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

ланган шахсни бевосита парваришлашни амалга оширувчи бошқа шахс ёки шахсий ҳимоя воситаларисиз ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузган ҳолда корона-вирус инфекцияси аниқланган шахснинг биоамуналари билан ишлаган лаборатория мутахассислари;

самолётда, шахарлараро автобусда, поездда корона-вирус инфекцияси аниқланган шахсдан ҳар қандай йўналишда икки ўриндик оралигида ёки битта купеда (поездда) бўлган, шунингдек, корона-ви-

рус инфекцияси аниқланган шахс учиб кетган самолётда хизмат кўрсатган экипаж аъзолари.

20. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан яқин мулоқотда бўлган шахслар провизор госпитал ёки изоляторга жойлаштирилади.

21. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлган шахслар доирасига коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан бир самолётда, поездда, автобусда бўлган, аммо улар билан яқин мулоқот қилмаган

шахслар киради.

22. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлган шахслар уй карантинини сақланадилар.

23. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлган шахсларнинг яшаш жойида уй шароитида изоляция қилиш учун шароитлар бўлмаган тақдирда, уларнинг карантинга олиниши маҳаллий ҳокимликлар томонидан таъминланади.

24. Коронавирус инфекциясини юқтирган ёки ушбу инфекцияни юқтирганликда гумон қилиниб карантинга жойлаштирилган шахсларга тегишли бўлган мобил телефон, аудио ва видео воситалар, кредит карталари ҳамда бошқа ахборот ташувчи буюмлар вақтинча олиб қўйилади.

Бунда вақтинчалик олиб қўйилган буюмлар шахс инфекция юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва борган жойларини аниқлаш мақсадида ўрганилади.

Вақтинчалик олиб қўйилган буюмлар шахс даволаш муассасасидан чиқётган вақтда ўзига қайтариб берилди ёки унинг яқин қариндошлари ёхуд вакилларига топширилади.

Вақтинчалик олиб қўйилган буюмларни сақлаш (қўриқлаш) тегишли даволаш муассасаси томонидан ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари билан биргаликда ташкиллаштирилади.

25. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар ҳамда улар билан яқин мулоқотда ва мулоқотда бўлган шахсларни

карантинда сақлаш муассасасида етказиш махсус транспорт воситаларида (автобус, микроавтобус) амалга оширилади, бунда ҳайдовчи ўриндиги салондан ажратилиши, дезинфекция жиҳозларлари ва ускуналари, ҳимоя никоблари, тиббий чиқиндиларни бир марталик йиғиш воситалари билан таъминланиши лозим.

26. Махсус транспорт воситалари ҳар бир ташишдан олдин ва кейин махсус ажратилган майдончада ювлади ва дезинфекцияланади, ишчиларнинг ҳимоя ва иш кийимлари ташиш якунига кўра режими бўйича дезинфекция қилинади.

27. Госпиталда, провизор госпиталда ва изоляторда ҳар куни жорий дезинфекция, улар бўшатиладиган кейин эса якуний дезинфекция ишлари олиб борилиши керак.

28. Карантин жойида мулоқотда бўлган шахсларни, ташриф буюрувчилар, транспорт воситалари киришлари ва чиқишлари, буюмлар, маҳсулотлар ва бошқаларни олиб кириши ва олиб чиқиши қатъий назорат қилиш учун Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия томонидан кечаю-кундуз қўриқланади.

29. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлиб, карантинда сақланаётган шахслар орасида коронавирус инфекцияси бор бошқа шахс аниқланса, у госпиталга олинади ҳамда қолган шахслар учун карантин муддати қайтадан бошланади.

30. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлиб, карантинда сақланаётган шахслар орасида карантин муддатида корона-вирус инфекцияси бор шахслар аниқланмаса улар даволаш муассасасидан чиқарилади.

31. Коронавирус инфекцияси аниқланган шахслар даволаш муолажаларидан сўнг корона-вирус инфекциясидан тuzалса ҳамда бу тегишли лаборатория текширувлари натижалари билан тасдиқланса, шахс даволаш муассасасидан чиқарилади.

32. Бемор уйига жавоб берилиши олдиндан у санитария ишловидан ўтказилади. Госпиталда беморларнинг уйига жавоб бериш тартиби юқумли касалликлар бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруқлари асосида амалга оширилади.

**4-боб.**


**Яқунловчи қондалар**

33. Карантин даврида ташкил этилган госпитал, провизор госпитал, изолятор ва обсерватор каби муассасалар фаолияти Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар эпидемияга қарши кураш фавкулотда комиссияларнинг тегишли қарори билан тугатилади.

34. Маъқур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Коронавирус инфекциясига гумон қилинганда шошилнч хабар бериш  
ТАРТИБИ**

**Коронавирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга  
илова**



(Davomi. Boши 1-2-3-бетларда).



Ушбу қарор ва унинг 1-илоvasи газетанинг 2020 йил 20 мартдаги 11-сонида чоп этилган.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИНИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАРНИ ТАШИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом "Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси органлари ва бўлинмаларининг экспертиза ва тезкор-қидирув фаолиятида, шунингдек, Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари фаолиятида фойдаланиладиган гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташишга таътиб этилмайди.

3. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан иборат юкларнинг юк жўнатувчиси ва юкни қабул қилиб олувчиси фақат гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар бўлиши мумкин.

4. Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни автомобил, шунингдек, қўл юкни ташув ҳаво ва темир йўл йўловчи транспортида ташиш гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг хоссаларини биладиган ва улар билан муомала қила оладиган юкни жўнатувчи (юкни олувчининг вакили — масъул шахсининг (кейинги ўринларда ташиш учун масъул шахс деб аталади) мажбурий кузатувида амалга оширилади.

Юк жўнатувчи (юк олувчи)нинг қарорига асосан гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш ушбу мақсадларга ажратилган махсус юк жўнатувчи (юк олувчи) ходимларининг қўриқловчида амалга оширилиши мумкин.

5. Юк жўнатувчи (юк олувчи)нинг қарорига асосан гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш ушбу мақсадларга ажратилган махсус юк жўнатувчи (юк олувчи) ходимларининг қўриқловчида амалга оширилиши мумкин.

6. Ташиш учун масъул шахс, қўриқлаш ходимлари, шунингдек, ташишни амалга оширувчи ходимлар, автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари (автомобиль транспортида ташишда) юк жўнатувчи (юк олувчи)нинг буйруғи (фармойиши) билан тайинланади.

Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташишда йўлда бўлиш вақти 8 соатдан ортиқни ташкил этган тақдирда икки нафар ташиш учун масъул шахс, икки нафар қўриқлаш ходими, шунингдек, ҳар бир автотранспорт воситасига икки нафар ҳайдовчи (автомобиль транс-

портида ташишда) ажратилиши тасвир этилади.

7. Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ташишда ташиш учун масъул шахсининг ёнида юк жўнатувчи юридик шахс раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган ташлаётган юкларнинг товар-транспорт юкхати бўлиши керак.

8. Ташиш учун масъул шахс мажбуриятларига қўйиладиган қи-ради:

қўриқлаш ва кузатувни амалга ошираётган ходимларга, автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига (автомобиль транспортида ташишда) гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ор-тиш, ташиш ва туширишда ташиш қоидалари, юкнинг тавсифи ҳамда шахсий, жамоат ва экологик хавфсизлик чоралари тўғрисида йўриқнома бериш;

юк олинадиган жойларда гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг маркировка-сини, тамгаларнинг бутлигини таш-қи томондан кўздан кечириш ва гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни қабул қилиш;

гиёхвандлик воситалари, улар-нинг аналоглари, психотроп мод-далар ва прекурсорлар ортишли-сини, маҳамланишини ва тушири-лишини кузатиш;

гиёхвандлик воситалари, улар-нинг аналоглари, психотроп мод-далар ва прекурсорлар жўнатиш жойидан етказиш жойигача куза-тиб борилишини ва қўриқланиши-ни таъминлаш, ташиш йўналиши-га қатъий риоя қилиш;

гиёхвандлик воситалари, улар-нинг аналоглари, психотроп мод-далар ва прекурсорлар жўнатиш жойидан етказиш жойигача ташиш чоғида, шунингдек, транспорт во-ситаларининг тўхтаб туриши даво-мида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш;

қўриқлаш ва ташишни амалга оширувчи ходимларнинг шахсий ҳавфсизлигини, шунингдек, жамо-ат, экологик хавфсизлик ва гиёх-вандлик воситалари, уларнинг ана-логлари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг бутлигини таъ-минлаш чораларига риоя қилини-ши юзасидан хатти-ҳаракатларига раҳбарлик қилиш;

белгиланган жойга келгандан кейин гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни юкни олувчига топшириш.

9. Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ша-ҳар йўловчилар транспортида қўл юкни сифатида, шунингдек, автомо-биль транспортида шаҳар атрофи-да, шаҳарлараро ва халқаро йўна-лишлар бўйича ташилишига йўл қўйилмайди.

**2-боб. Гиёхвандлик восита-ларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни автомобиль транспортида ташиш**

10. Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ав-томобиль транспортида ташиш ги-ёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни та-шишга лицензияга эга бўлган юри-дик шахслар — ташувчилар (юкни жўнатувчилар, юкни олувчилар) то-

монидан амалга оширилади.

11. Хавфли юклар тоифасига ки-ритилган прекурсорларни автомо-биль транспортида ташиш Вазир-лик Мақамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Респу-бликасида хавфли юкларни автомо-биль транспортида ташиш қоидал-рига мувофиқ амалга оширилади.

12. Ташиш учун масъул шахс ва-зифаларини автотранспорт воси-тасининг ҳайдовчисига юклар та-ққиланади.

**3-боб. Гиёхвандлик восита-ларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни ҳаво транспортида ташиш**

**1-§. Ташишга қабул қилиш**

13. Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни та-шишга қабул қилиш ва ташиш та-шувчи авиакомпания томонидан белгиланган қоидалар ва стандар-тлар бўйича амалга оширилади.

Ташиш учун қабул қилинаётган гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар хавфли юклар то-ифасига кирган тақдирда, уларни ташиш учун қабул қилишда Фуқа-ро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)нинг хавфли юкларни ҳаво-да хавфсиз ташиш бўйича техник қўланмалари инobatта олиниши лозим.

14. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ҳам йўловчи, ҳам юк ташувчи ҳаво ке-маларида ташлиши мумкин. Ги-ёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп мод-далар ва прекурсорларни доимий рейсларни бажарувчи ҳаво ке-маларида ташиш юк ташилдиган идишлар учун мажбурий тарзда бутун ташиш йўналиши бўйлаб ол-диндан жойни банд қилиш (брон-лаштириш) шарти билан амалга оширилади.

Хавфли юклар тоифасига кирув-чи прекурсорларни йўловчи та-шувчи ҳаво кемаларида ташишга йўл қўйилмайди.

15. Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни та-шиш учун қабул қилишда уларни шартли равишда қимматбахо юк-лар тоифасига (VAL) киритиш ва бу тоифадаги юкларга тааллуқли бўлган ташиш қоидалари ва бут-лигини таъминлаш регламентини қўллаш лозим. Ташиш учун қабул қилинаётган гиёхвандлик восита-ларини, уларнинг аналоглари, пси-хотроп моддалар ва прекурсорлар хавфли юклар тоифасига кирган тақдирда, бу тоифадаги юкларга учун белгиланган ташиш қоидал-рини ҳам қўллаш лозим.

16. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар таши-шга қабул қилинганига ҳақиқдаги ёзма хабарларда гиёхвандлик во-ситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсор-ларнинг юк туширишдаги аниқ номланиши (кимёвий формуласи)-дан фойдаланилади.

**2-§. Ташиш ҳужжатлари, қадоклаш, маркировка**

17. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қадого ишончли ёпилиши, унда нуқсон (шикаст)лар бўлмағлиги лозим.

Гиёхвандлик воситалари, улар-нинг аналоглари, психотроп мод-далар ва прекурсорлар шундай

Вазирлар Мақамасининг 2020 йил 14 февралдаги «Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи соҳасидаги низомларни тасдиқ-лаш тўғрисида»ги 85-сонли қарорига 2-илова

қадокланган бўлиши керакки, аниқ қўриқиб турувчи ташқи аралашув изларини қолдирмасдан ичидаги-ларни алмаштириш ёки олиб қўйиш имкони бўлмағлиги керак.

Гиёхвандлик воситалари, улар-нинг аналоглари, психотроп мод-далар ва прекурсорларнинг ҳар бир қадого юкни жўнатувчи ва та-шувчи томонидан тамгаланади ва тортилади, қайд этилган оғирлик ташиш ҳужжатларидаги оғирлик билан солиштирилади ва қадокка ёпиштириладиган юк ёрликларид-да кўрсатилади.

Гиёхвандлик воситалари, улар-нинг аналоглари, психотроп мод-далар ва прекурсорларнинг ҳар бир қадого уларда нуқсон (шикаст)лар мавжуд эмаслиги юзасидан текши-рилган бўлиши керак. Қадокда нуқ-сон (шикастланган) бўлган гиёх-вандлик воситалари, уларнинг ана-логлари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ташиш учун қабул қилинмайди ва дарҳол аэропорт ҳудудидан олиб чиқиб кетилади. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қадогодаги нуқ-сон (шикаст)лар ҳақда икки нуқса-да далолатнома тузилади ва у юк жўнатувчи томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нуқсаси та-шувчида ёки унинг ваколатли аген-тида қолади, иккинчи нуқсаси эса юк жўнатувчига берилади.

18. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан ибор-рат трансфер юкнинг қадокларида нуқсон (шикаст)лар аниқланганида трансфер пунктида (ушбу юк Узга юк ташувчининг бошқа рейсига қайта юкларда) юк қайта тортиб қўрилади, юкнинг қадого шикаст-ланганлиги тўғрисида икки нуқсда далолатнома тузилади ва зарурий-га қараб юк қайта қадокланади ва янгидан тамгаланади. Далолатнома-нинг бир нуқсаси гиёхвандлик во-ситалари, уларнинг аналоглари, пси-хотроп моддалар ва прекурсорлар билан бирга жўнатиладиган ҳужжат-ларга илова қилинади, иккинчиси эса — трансфер аэропортида қол-дирилади.

19. Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни та-шиш учун контейнер ва қулфла-надиган қутилардан фойдаланил-ганда улар қўйиладиган таъмин-лаши лозим:

гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни кон-тейнер (қути)нинг тамгаланган қис-мидан аниқ қўриқиб турувчи ташқи аралашув изларини қолдирмасдан ёки юк ташувчининг тамгасини буз-масдан чиқариб олиш ва қайтариб қўйиш имконини истисно қилиши;

гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни жой-лаштириш учун фойдаланиладиган контейнернинг бутун майдони на-зорат тартибда кўздан кечириш учун қулай бўлишини, қулфла-надиган қути ва контейнерларда ги-ёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг бир қисми яширилиши мумкин бўлган яши-рин жойлар бўлмағлиги.

20. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ташиш ҳужжатларини расмийлаш-тиришда қўйидаги талаблар бажари-лиши лозим:

авиа юкхати (накладной)да юк ичидагиларни "VAL" махсус ишлов коди, хавфли юклар тоифасига

кирувчи прекурсорларни та-шишда эса — "Nature and Quantity of Goods" (юкнинг тавсифи ва хусусияти) устунида хавфли юк-ларни ишлов кодлари кўрсатил-ган бўлиши;

юк кузатув ҳужжатларида бир килограммнинг юздан бир қисми-гача аниқлик билан ўлчанган ги-ёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ҳақиқий оғирлиги ҳамда ҳар бир қадок-нинг ўлчамлари кўрсатилган бўлиши;

"VAL" махсус ишлов коди, хавфли юклар тоифасига кирув-чи прекурсорларни ташишда эса — хавфли юкларни ишлов кодла-ри юк декларациясининг "Nature of Goods" (юкнинг тавсифи) ус-тунида кўрсатилган бўлиши;

юк ҳақидаги маълумот стан-дарт бланкага ёки NOTOC (Special Load Notification to Captain — мах-сус юк тўғрисида ҳаво кемаси командирига хабарнома)га кири-тилиши.

**3-§. Ташишни ташкил этиш**

21. Гиёхвандлик воситалари-га, уларнинг аналогларига, пси-хотроп моддалар ва прекурсор-ларга жўнатиш, трансфер қилиш ва етказиш пунктларида уларга қайта ишлов бериш, уларни ор-тиш ва туширишда ҳақиқий қабул қилиб олинган юкнинг микдори тўғрисидаги маълумотлар авиа юк хати (накладной) ва юк деклара-циясига киритилган ёзувлар бил-лан солиштирилиши зарур.

Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорлар ташувчи жавобгарлигига бериш-ган вақтдан бошлаб улар рухсат-сиз яқинлашадиган ҳимояланган бўлиши керак. Гиёхвандлик во-ситаларини, уларнинг аналогла-рини, психотроп моддалар ва прекурсорларни бирор-бир сабабларга қура қўриқланадиган ҳудудда жойлаштириш имкони бўлмаганда, уларнинг бутлигини таъминлаш бўйича махсус чора-лар қўрилиши лозим.

22. Гиёхвандлик воситалари-ни, уларнинг аналогларини, пси-хотроп моддалар ва прекурсор-ларни жўнатиш (трансфер қилиш, етказиш) аэропортларида сақ-лашда махсус журналда қўйида-ги маълумотлар қайд қилиниши керак:

ҳар бир қадокнинг тавсифи (ўлчамлари, оғирлиги, бошқа фарқловчи хусусиятлари);

гиёхвандлик воситалари, улар-нинг аналоглари, психотроп мод-далар ва прекурсорлар қўриқла-надиган ҳудудга жойлаштирилган сана ва вақт, юкни ушбу ҳудудга келтирган ва унга киришга рух-сати бўлган шахслар ҳақида маълумотлар;

гиёхвандлик воситалари, улар-нинг аналоглари, психотроп мод-далар ва прекурсорлар қўриқла-надиган ҳудуддан олиб кетилган сана ва вақт, юкни ушбу ҳудуд-дан олиб кетган шахслар ҳақида маълумотлар.

Махсус журнал юкни жўнатиш (трансфер қилиш, етказиш) аэро-портнинг ҳаракат хизматининг на-вбатчи диспетчери томонидан электорн шаклда юритилади.

23. Жўнатиш жараёнида гиёх-вандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар аэропортта ҳаво кемаси учушидан 3 соат олдин

(Давоми 6-бетда).







# КОРОНАВИРУС

## Нима учун карантин ўрнатилган муассасаларда телефон воситалари олиб қўйилмоқда?

– Карантин ўрнатилган жойларда хавфсизликни таъминлаш ишлари ёлгон ахборотлар тарқатиш, аҳолида ваҳима кайфиятини уйғотувчи материаллар тарқалишининг олдини олишни ҳам ўз ичига олади. Коронавирусга чалинган беморларни даволловчи врачлардан телефон аппаратларининг олиб қўйилиши ана шу ҳолат билан ҳам боғлиқ.

Бироқ тиббиёт ходимлари оиласи, яқинлари билан мулоқотда бўлиши учун муассасада фаолият кўрсатиб турган телефон воситаларидан фойдаланиши мумкин.



## Карантин пайтида Тошкент шахрида вақтинчалик рўйхатда ўтганларнинг муддати тугаса, қайта рўйхатдан ўтиш учун нима қилиш керак?



– Карантин чекловлари даврида, 24 мартдан бошлаб ички ишлар органлари аҳолига хизмат кўрсатиш фаолияти вақтинча тўхтатилган. Ушбу ҳолат йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш фаолиятига ҳам боғлиқ. Ушбу фаолият карантин чоралари бекор қилинган вақтдан кейин давом эттирилади.

## Автомобилларни жарима майдончасидан қачон олиб чиқиш мумкин?

– Карантин чекловлари туфайли ички ишлар органлари тизимида хизмат кўрсатиш фаолиятлари вақтинча тўхтатилган. Ушбу хизматлар карантин даври ниҳоясига етгач, давом эттирилади.

## Қамоқхоналардаги маҳбуслар билан учрашувларда ҳам карантин бўладими?

– Юртимиздаги жазони ижро этиш муассасаларининг барчаси карантин режимига ўтказилган. Маҳкумларга яқин қариндошлари билан узоқ муддатли учрашувлар берилиши вақтинча тўхтатилди. Бунинг ўрнига уларнинг хоҳишига қараб телефон орқали алоқа ўрнатиш таъминланди.

## Ўз автомобилни бошқариётган пайтда ниқоб тақмаслигим мумкинми?

– Агар сиз ўз автомобилнигида ҳаракатланаётган бўлсангиз ва автомобилда сиздан бошқа шахс бўлмаса, ниқоб тақмаслигингиз мумкин. Автомобилни тарк этган пайтингизда эса ниқоб тақашга мажбурсиз.



**Саволларга Ички ишлар вазирининг матбуот котиби Шохруҳ Ғиёсов жавоб бери.**

## Коронавирус инфекциясига чалинган беморлар орасида юртимизнинг турли ҳудудларидан бўлган фуқаролар бор

Авал хабар берганимиздек, ҳозирда юртимизда коронавиралар инфекциясига чалинганлар 65 нафарни ташкил этмоқда.

Жумладан, айна пайтда Тошкент шахридаги Вирусология илмий текшириш институти клиникасида даволанаётган беморлар орасида пойтахтимиздан ташқари, **Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидан** бўлган фуқароларимиз ҳам бор. Шунингдек, беморларнинг 2 нафари Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонасида даволанмоқда. Улардан бири Саудия Арабистонида Умра сафарига бўлиб қайтган, унда коронавиралар инфекциясига чалинган эди. Эндликда унинг турмуш ўртоғи, икки нафар фарзанди ва келинида аниқланган. Барча беморлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига қўра, белгиланган стандартлар асосида даволанмоқда. Эслатиб ўтамиз, дунёдаги калтис эпидемик вазиет туфайли мамлакатимизда коронавиралар инфекциясига тарқалишининг олдини олиш борасида давлатимиз томонидан қатор қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги фуқароларимиздан карантин қоидаларига, жумладан, имкон қадар уйдан чиқмаслик, жамоат жойларида тўпланмаслик, шахсий гигиена каби қоидаларга қатъий амал қилишларини сўраб қолади. Дунё тажрибасига қўра, коронавиралар тарқалишининг олдини олишда энг самарали йўл, айнан, карантин қоидаларига сўзсиз риоя этишдир.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.**

# САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

## Карантинни бузганлик учун қандай жазо чоралари қўлланилади?

– 15 мартдан шу кунга қадар карантинда бўлиш қоидаларини бузган **90 нафар фуқаро аниқланиб, 87 нафари** маъмурий жаобгарликка тортилди, **3 нафарига нисбатан жиноят иши кўзғатилди.**

Ҳозирга қадар ўтказилган тадбирларда 645 та ҳолатда жами 1 млрд 735 млн сўмлик маҳсулотлар қиммат нарҳда сотилаётгани аниқланиб, ушбу маҳсулотларнинг арзон нарҳларда аҳолига сотилиши таъминланди.

Куни кеча бўлиб ўтган Сенат ялпи мажлисида карантин қоидаларига риоя этмаслик учун жазо чораларини кучайтиришга қаратилган Қонун маъқулланди.

Эндликда карантин қоидаларини бузганлик учун маъмурий жарима миқдори фуқаролар учун **– 6 690 000 сўмга**, мансабдор шахслар учун **– 11 150 000 сўмга** оширилди.

Жиноий жазо ҳам кучайтирилиб, **10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси** назарда тутилган.


Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, аҳоли орасида ваҳима чиқариш учун ҳам — жиноий жаобгарлик белгиланди.

**Саволга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурор ўринбосари Эркин Йўлдошев жавоб берди.**



## Коронавирус инфекцияси кўзгатувчисининг бир неча турлари бор деб эшитдим, мана шу масалани кенгроқ тушунтириб бериш мумкинми?

– Эпидемия бошланган кундан, бугунги кунга қадар мазкур коронавираларнинг 40 дан кўпроқ геномлари ўрганилган. Аниқландики ҳозирга қадар коронавиралар кўзгатувчи 5 та катта гуруҳларга бўлинган ва ҳар бирининг ўзига хос клиник белгилари мавжудлиги исботланган.



## Кварц лампалари вирусларни ўлдириши мумкинми?

– Адабиётларда келтирилган маълумотларга қўра, кварц вирусларни ўлдириши мумкин. Коронавираларнинг тожлари (корона) оксиддан иборатлиги маълум, кварц лампасидан чиққан нур мазкур тожларга таъсир қилиб, вируснинг шиллик қават тўқималарига бириктириб олишига йўл қўймайди.

## Буйрак трансплантацияси қилинган беморлар иммунитетни тушурувчи дорилар ичиби юришади. Уларнинг коронавиралар инфекциясига чалиниш эҳтимоли юқорими?

– Нафақат буйрак трансплантация жарроҳлик амалиёти ўтказилган шахслар, балки бошқа сурункали сомастик касалликларга чалинган аҳоли ҳам хавfli гуруҳга кириди. Демак, биз уларни касалланиб қолишдан ҳимоя қилишимиз керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам касалликка эрта ташхис қўйилиб, асоратлар юзга келмасдан туриб даволаш муолажалари бошланса, жиддий асоратларсиз даволаб юбориш имконияти сақланиб қолади ва мавжуд.



## Карантин даврида даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини текшириш мумкинми, қандай ҳолларда текшириш амалга оширилади?

– Каронавиралар инфекцияси шифохона ичи инфекцияси тарзида ҳам тарқалиши мумкин. Шу муносабат билан коронавиралар инфекциясига чалинган беморлар даволанаётган, беморлар билан мулоқотда бўлганлар карантинда ушлаб турилган даволаш-профилактика муассасалари, профилактикарийлар, санаторийлар ва бошқа карантин-чеклов тадбирлари учун мўлжалланиб ташкил этилган муассасаларда (изоляциялар) дезинфекцион, эпидемияга қарши тадбирларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативлар талаблари даражасидаги ихроси устидан давлат санитария-эпидемиология назорати амалга оширилади.

## Интернетда Ўзбекистон давлати Хитойлик мутахассислардан ёрдам сўрамасин, деган гаплар юриди, айтингчи бу нечоғлик тўғри?

– Назаримда айнан Хитойдан ёрдам олиш керак. Негаки ушбу давлат коронавиралар эпидемиясини енгиб, бутун дунёга касалликни енгиш имконияти борлигини исботлади. Мутахассислари эса қарийиб 4 ойлик карантин даврида катта тажрибага эга бўлишди. Хитой давлати ўзи ёрдам берман деб турган пайтда, олдиқонди гапларга ишониб ундан воз кечиб жуда катта хато бўлади, деб ўйлайман.

**Саволларга Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Нурмат Атабеков жавоб берди.**

## Янги қурилаётган шифохоналар қачон тайёр бўлади?



Коронавирусга қарши касалхоналарнинг ўчтаси Тошкент шахрида ва яна бошқа муассасалар Тошкент вилояти ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларда қурилмақда. **Дастанлиқ муассаса беш кун ичида фойдаланишга топширилади.**



Касалхоналарнинг биттаси Юқори Чирчиқ, яна бири Зангиота туманларида барпо этилади.



– Дастанлиқ контейнерларга яқин орада етиб келадиган 500 нафар одам жойлаштирилиши мўлжалланган. Яна янги майдонларни тайёрлаш ишларини олиб боряпмиз, — дейди **Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Даврон Ҳидоятлов.**

**Қурилиш вазيري Бо-тир Зокиров** бу каби касалхоналар Президентнинг топшириғига қўра республиканинг бошқа бир неча вилоятларида ҳам қурилиши билдирди.

“Босқичма-босқич иккита клиника ишга туширилди. Уларга 1000 нафардан одам жойлаштирилиши мумкин. Функционал ҳам ўйлаб чиқилган. Лойиҳаларда коронавиралар билан курашда муним бўлган барча жиҳатлар ҳисобга олинган, шунингдек, улардан яна бошқа ҳар қандай эпидемиологик касалликка қарши курашда ҳам фойдаланиш мумкин”

**Манба: www.daryo.uz**



# ВИРУСНИНГ МИЛЛАТИ ЙЎҚ

## СОҒЛИҒИМИЗНИНГ ЭСА ҚИЙМАТИ ВА БАҲОСИ ЙЎҚ

Ўз саломатлигимизни асраб-авайлашимиз – бу худбинлик эмас, балки бутун жамият барқарорлигини таъминлашга қаратилган хайрли ишдир.



Бугунги шароит шуни кўрсатдики, давлатлар алоҳида-алоҳида бўлгани билан инсониятнинг умумий манфаатлари – саломатлик, оқилоллик ва хавфсизлик масаласи барча учун ягона ва улғу қадрият экан. Коронавирус миллият ҳам, мамлакат ҳам таллаб ўтиргани йўқ. Вирус тарқалиши кенгайиб борар экан, инсоният шу пайтгача мавжуд яшаш тарзини ўзгартиришга, ўзини ва оламни қайта идроклашга мажбур бўлаётган. Вирусга чалинганлар бугунги кунда юртимизда 65 нафарга етди, айрим беморларнинг аҳоли яхши эмас, 13 нафаридан ўпка яллиғланиши яъни, пневмония аломатлари кузатилаётган экан. Албатта, бу хабарлардан ички хавотиримиз ошади, шу билан бирга маъсулиятимиз ҳам, бурждорлик туйғуси ҳам кучайиши шарт. Мутахассислар жон куйдириб, никор тақинг деярлими, албат-

та тақайлик. Тўй-маросимларни чекланг, дейишдими, чеклайлик. Аммо дейишга арзийдиган инсонлар ҳам йўқ эмас...

Хориждан минг-минглаб юртошларимизнинг олиб келиши учун қанча учувчилар ва стоардессаларимиз, элчихоналаримиз ходимлари ўз ҳаётини хавфга қўйибди. Офат тарқатмаслиги учун 20 минг юртошларимиз жойлаштирилган санаторий, профилактика ва даволаш масканларида минглаб, саломатлик посбонлари кечаю кундуз ухламасдан, ҳаловатини йўқотиб, толмай меҳнат қилишапти. Уларнинг ҳам уйда жондан ширин фарзанди бор, улар ҳам дам олиши, куч тўплаши, яшashi керак. Биз эса ўз болаларимиз атрофида, хотиржам бир шароитда нахотки озгина сабр-тоқат ва шукрона билан ўтира олмасак.

**“Биз сиз учун ишда қолдик, сиз биз учун уйда қолинг”** каби хонадонда қолиши тарихи этувчи таъбир-

ли челленжларга турли қалақаномуз ва масхаралаш қабилида “жавоб бераётган” ва ножиждий қаратаётган маданиятсиз кишилар озгина бўлсин, жонимизни асраб қолаётган муқаддас касб эгалари қадрига етишмайдимиз?

Хатто баъзи фуқароларимиз турли хаштек остида чиққан чорловларга нисбатан тўғри муносабатда бўлмай, ўзларининг ахлоқсиз ва тубанликни тарғиб қилувчи сўзлари билан одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Айниқса, қалақа қилаётганлар Худо кўрсатмасин, бир кун шу оқ халатли шифокорлар қўлига бориб тушмаслигига қанолат борми? Унда улар юзига қандай қаради? Хавфли дардга чалинганлар устидан кулиб, айб ағдариб, ижтимоий тармоқларда улар ҳақида турли миш-миш ва бўхтонларни тарқатишдан ҳам тийилайлик. Кўзга кўринмас қотил қайси томондан ва қандай келиб қолишини ҳеч биримиз билмаймиз. Аслида ҳзир курраи заминимизда кўзга кўринмас уруш кетаяпти. Бу урушда атом қуроллари, қанотли ракеталар, адоқсиз снарядлар, кўп тоннали танклару, тиш-тирноғига қадар бомблар билан қуролланган самолётлар йўқ. Бу жангда фақат ўзининг ички душманини енга олганларгина, маънавий қомилликка эришганлар, ҳаётини қайтадан тартибга сола олган, поклик ва озодаликни қундалиқ тарзига айлантирган, замонавий ахборот коммуникацияларини пухта ўзлаштирган инсонларгина ғалаба қозонишга қодир. Бу шунчаки синов ҳам эмас, бу ҳаракатчан, тоқатли ва баркамол инсоннинг қурашдир. Илтимос, юртошлар, уйдан чиқманг, чикмоқчи бўлганларга эса бугунги кунда айтиш керак бўлган гапларни айтинг.

**М. БАҲРИЕВА,**  
журналист.  
(ЎЗА).

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУТАХАССИСЛАР КОРОНАВИРУСНИ АНИҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ

Мутахассислар ушбу ишлангани яратиб устидаги изланишларни бундан бир ой олдин, вируснинг дунё бўйлаб тарқалиши авж олган ва Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлиш хавфи ортиб бораётган бир пайтда бошлаган эди. Бутун жараён учун 5-6 соат талаб этилишини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, бу тезкор таҳлил эмас, балки фақат ихтисослашган лабораторияларда ишлатилиши мумкин бўлган тўлиқ тест тизимидир.

Маҳаллий тест тизимини яратиш жараёнида Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасининг кўмагини алоҳида қайд этиш зарур. Элчихона АҚШда ишлаб чиқарилган ижобий назорат намуналарини тезкор етказиб беришни ташкил қилди.

@koronavirustinfouz



«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси тахририятнинг Бош ҳисобчиси Мавжуда Абдуллаевага волидаи муҳтарамаси **ЗУЛҲАЁ ШАЙХОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## УЙ ШАРОИТИДА ДЕЗИНФЕКЦИЯ

Уйингиздаги қайси буюмлар биринчи навбатда дезинфекция қилиниши кераклигини биласизми?

Уйдаги айрим буюмлар коронавирус пандемияси вақтида ўзида кўзга ташланмайдиган хатарни акс эттиради. Lifehacker инфекциядан химояланиш учун қайси буюмларни биринчи навбатда зарарсизлантириш кераклиги ҳақида сўз юритади.

### Клавиатура

Клавиатура ҳам тез-тез қўл теккизиладиган буюм. У ҳам микроб ва бактерияларнинг ўчоғи ҳисобланади. Компьютер клавиатурасини дезинфекция қилиш учун, аввало,



компьютерни ўчирасиз. Сўнг 70 фоизли этил спиртига ботирилган сочқича билан уни артасиз. Фақат артаётганингизда суоқликнинг клавиатура орасига оқиб кетмаслигига эътибор беринг.

### Эшик тутқичлари ва чирокни ўчириб-ёқши тугмаси

Авал эшик тутқичини ушлашнинг ёқтирмайдиган одамларнинг бу қилиги эриш туюлган бўлса, энди биз уларнинг қанчалик ҳақ бўлганини англамоқдамиз. Экспертларнинг фикрича, эшик тутқичи ёки чирокни ўчириб-



ёқши тугмасини ушлаб, бирон инфекцияни ўқтириб олиш эҳтимоли жуда юқори. Спиртли салфеткалар билан, айниқса, ювиниш хонаси, ҳожатхона эшигининг тутқичи ва чирокни ўчириб-ёқши тугмаларини тез-тез артиб туринг.

### Смартфон

Сиз кун давомида энг кўп қўлингизга оладиган нарса бу – смартфонингиз. У уйда, кўчада, ишхонада сиз билан бирга. Эҳтимол, мақола ҳам смартфонингиздан ўқиётгандирсиз? Тадқиқотчиларнинг аниқлашча, смартфонда унитаздагидан ҳам кўпроқ бактериялар тўпланади. Барча тавсияларга амал қилган ҳолда қўлингизни ювсангиз ҳам, агар тоза бўлмаган телефонингизни ушласангиз, барча ҳаракатларингиз йўққа чиқади. Шунинг учун смартфонни дезинфекция қилиш ўта муҳим. Бу ишни

2:3 нисбатдаги спирт ва сув аралашмасида намланган сочқича билан қилиш мумкин.

### Кран тутқичлари

Уйга келиб қўлимизни ювиш учун биринчи навбатда кран тутқичини ушлаб, уни бураймиз ҳамда сув туша бошлагандан кейин қўлимизни ювамиз. Ифлос қўллардаги микроблар кран тутқичига ўтади, уни ҳам спиртли салфетка билан тозалалаб туринг.

### Ёстиқ ва юмшоқ ўйинчоқлар

Уйимиздаги бу буюмлар ўзида жуда кўп микроблар ва бактерияларни тўплайди. Уйга келишимиз билан диванга ўтириб, кир қўлларимиз билан ёстиққа ўтирма, ўйинчоқларни ушлаймиз, қўлимиздаги микроблар уларга ўтади. Шу сабабдан ёстиқ ва юмшоқ ўйинчоқларни ҳам иссиқ сувда тез-тез ювиб туриш керак.

### Ҳожатхонадаги сувни оқизиш тугмаси

Ҳожатхонадаги сувни оқизиш тугмаси бу – хар бир



ойла аъзоси бир кунда бир неча маротаба ушлайдиган нарса. Шунинг учун уни ҳам тез-тез зарарсизлантириш фойдадан холи эмас.

### Иш столи

Ҳозир кўпчилик уйдан ишлаётгани учун иш столи тозаланиши ўта муҳим. Стол устини спиртли сочқича билан артиб ёки антисептик спрейдан фойдаланиб, уни зарарсизлантиринг. Стол ус-



тидаги органайзер ва бошқа буюмларни ҳам тозалалаб туринг.

### Телевизор пулти

Уйда қанча кўп вақт ўтказсангиз, шунча кўп телевизор кўрасиз ёки он-лайн ўйинлар ўйнайсиз. Тез-тез фойдаланиладиган пулти ҳам спиртли сочқича билан артиб туришни унутманг. Ёслабди ўтамуз, Ўзбекистонда коронавирუსга чалинганлар сони 65 кишига етди.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.

Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилми: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март кун рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1696 нусха.  
Буюртма Г-350.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона мақоли: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.